SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Son 4. Jild 4.
2024

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SPR1342V4I4Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ 4 (4) - 2024***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2024**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймахамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).

## *МУНДАРИЖА*

**07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Qurbonov Murodjon Dehqonboy o‘g‘li*
“KASHKULI SALIMIY” ASARIDA USMONIY HUKMDORLAR TARIXINING YORITILISHI........ 12-17

*Ismoilova Diyoraoy Xursandjon qizi*
AMIR NASRULLOH DIPLOMATIYASI ........................................................................................ 18-23

*Турсунов Фаррух Ғуломович*
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ТОЖИКЛАРГА ХОС УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР ........... 24-28

*Usmonaliyev Isroiljon Ibrohimjon o’g’li*
FARG’ONA VODIYSIDA “O’ZBEK” ETNONIMINING TARQALISHI ............................................ 29-34

*Djurayev Ikrom Nematovich*
YEVROOSIYO CHORVADOR QABILALARINING FARG‘ONA VODIYSIGA KIRIB KELISHI....... 35-40

*Esanova Nilufar Pulatovna*
MUSTAQILLIK YILLARIDA O‘ZBEKISTONDA YENGIL SANOAT SOHASIDAGI O‘ZGARISHLAR ........................................................................................................ 41-46

*Абдураҳимова Сабоҳат Эргаш қизи*
БУХОРО АМРЛИГИ ДАВРИДА ЧИРОҚЧИ ТУМАНИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИ ........................................................................................................ 47-53

*Toshturov Shuxrat*
MUSTAQILLIKKACHA BO‘LGAN DAVRDA NAVOIY VILOYATI SANOAT KORXONALARINING EKOLOGIK MUHITGA TA’SIRI ........................................................................................ 54-60

*Kanimkulov Olimjon Sheraliyevich*
AKADEMIK YAHYO G‘ULOMOV FAOLIYATI HAQIDA QAYDLAR (“XORAZMNING SUG‘ORILISH TARIXI” ASARI MISOLIDA) ........................................................................................ 61-65

*Begniyazova Gozzal Allambergenovna*
QORAQALPOQ XALQ ERTAKLARINING YIG'ILISHI VA NASHR QILINISHI............................... 66-70

**08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Султонов Баходир Файзуллаевич, Тураева Гулизахро Каххоровна, Норбўтаев Бахтиёр Абдурахимович*
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДОНЛИ ЭКИНЛАР ХОСИЛДОРЛИГИНИНГ 2024-2027 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ........................................................................................ 71-78

*Abdiganieva Zarapshan Salievna*
YANGI O‘ZBEKISTONDA AHOLI TURMUSH DARAJASINI OSHIRISHDA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI ........................................................................................ 79-85

*Otaxonova Odinaxon Inomovna*
QORAMOLCHILIK MAHSULOTLARI IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA OZUQA BAZASINI YAXSHILASHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI ........................................... 86-94

*Рахимов Ойбек Бахтиёрович*
СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ........................................................................................................ 95-99

*Хушмурадов Оман Намозович*
СУВ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ................................ 100-110

*Saitkamolov Muxammadxoʻja Sobirxoʻja oʻgʻli, Karabayev Rustam Zafarovich*
BULUTLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BIZNES JARAYONLARNI TASHKIL ETISH YOʻLLARI ........ 111-125

*Фаттахова Муниса Абдухамитовна*
ПОНЯТИЕ И ПУТИ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ КРЕДИТНЫМ ПОРТФЕЛЕМ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ........ 126-133

*Isayev Jahongir Muzaffarovich*
SANOAT KORXONALARINI RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT TIZIMINI TAʼMINLASH IQTISODIY MEXANIZMNING ASOSIY YOʻNALISHI SIFATIDA ........ 134-140

**09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Tilavova Umida Qahramonovna*
RAQAMLI JAMIYATLAR TIZIMIDA INFORMATSION ETIKA KATEGORIYA VA TAMOYILLARINING AHAMIYATI ........ 141-147

*Yulchiyev Avazbek Maxamadjonovich*
IJTIMOIY TEXNOLOGIYALAR HAQIDAGI G'OYALARNING SHAKLLANISH EVOLYUTSIYASI ........ 148-154

*Каримова Гулчеҳра Абдукаримовна*
ДУНЁ ДИНЛАРИ ВА ТАЪЛИМОТЛАРДА ОТАЛИКНИ ТУШУНИШ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ........ 155-163

*Turabova Sevara Kattaqulovna*
ISLOM FALSAFASIDA DALILLASH VA BAHS YURITISH USULI ZAMONAVIY ARGUMENTLASH NAZARIYASI TALQINIDA ........ 164-168

*Muminov Nozim Naimovich*
THE PHENOMENOLOGICAL APPROACH IS THE KEY TO UNDERSTANDING THE SPREAD AND TRANSFORMATION OF SUFISM IN THE WEST ........ 169-175

*Турсунов Мухиддин Болтаевич*
СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ ........ 176-180

*Mamarasulov Ulugʻbek Umirzoqovich*
SPORT TURLARINING FALSAFIY-ESTETIK TAHLILI ........ 181-184

**10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Исанова Феруза Тулқиновна*
ЎЗБЕК ТИЛИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СОҲАСИГА ОИД ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ........ 185-191

*Петрухина Наталья Михайловна*
КОРАНИЧЕСКИЕ МОТИВЫ В ТВОРЧЕСТВЕ А.С.ПУШКИНА И ЕГО СОВРЕМЕННИКОВ ........ 192-197

*Исаров Оман Рисалиевич*
ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ТАКСИС КОНВЕРБИАЛ ВЕРБАЛИЗАЦИЯСИ ........ 198-205

*Родина Ирина Витальевна*
АНТИНОМИЧЕСКАЯ ПАРА «МЕСТЬ» И «ПРОЩЕНИЕ» В ПОВЕСТИ-СКАЗКЕ Л. БОРОДИНА «ГОД ЧУДА И ПЕЧАЛИ» ........ 206-211

*Ataeva Gulchekhra Bakhtiyorovna*
THE ROLE OF IDIOMS IN ENHANCING BUSINESS COMMUNICATION: A STUDY ON THE USAGE OF IDIOMS IN BUSINESS LETTERS ........ 212-220

*Erkinova Marxobo*
ASSOTSIATIV MAYDON HOSIL QILISHDA LINGVISTIK OMILLARNING OʻRNI .................. 221-229

*Gulyamova Shahzoda Baxtiyor qizi*
OʻZBEK VA INGLIZ TILLARIDAGI MATNLARNING SINTAKTIK STRUKTURASI VA PRAGMATIK XOSLANISHI ........................................................................................................ 230-234

*Batyrkhanova Madina Oybekovna*
THE SOMATIC CULTURAL CODES IN THE STUDY OF ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK PHRASEOLOGISMS ........................................................................................................ 235-244

*Aslonov Shahram Sherzod ugli, Saidova Marjona Abdimutal qizi*
PECULIARITIES OF TRANSLATION OF POLITICAL TEXTS IN SIMULTANEOUS INTERPRETATION ........................................................................................................ 245-250

*Olimova Dilafruzxon Baxtiyorjon qizi*
INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA SUBYEKTIV BAHONING IFODALANISHI .......................... 251-254

*Bobojonov Dilshod Jumaqul oʻgʻli*
INGLIZ VA OʻZBEK GAZETA SARLAVHALARIDA PUBLISISTIK USLUB BELGILARINING NAMOYON BOʻLISHI ........................................................................................................ 255-260

*Абдуллаева Нилуфар Рамазоновна, Шаймарданова Мухлиса Усмановна*
СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПТА “РАСТЕНИЕ” В СОПОСТАВЛЯЕМЫХ ЯЗЫКАХ ........................................................................................................ 261-266

*Xayrulloeva Sitora Lutfulloevna*
PSYCHOLOGICAL NOVELS OF US AND THE DEVELOPMENT OF PSYCHOLOGYSMS ........267-272

*Qudratova Muxiba Kamolovna*
“LYUIS KERROLLNING ALISA MOʻ JIZALAR MAMLAKATIDA ASARIDAGI HAYVON OBRAZLARINING OʻZIGA XOS XUSUSIYATLARI” ........................................................................ 273-279

*Убоженко Анна Станиславовна*
ОСОБЕННОСТИ ТЮРКСКИХ ЗАИМСТВОВАНИЙ В РУССКОМ ЯЗЫКЕ ............................ 280-285

*Тухтаева Наргисхон Исамутдиновна*
ОТРАЖЕНИЕ ДУХОВНОГО УПАДКА ОБЩЕСТВА И ЕГО ПОСЛЕДСТВИЙ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ ........................................................................................ 286-292

*Gulnora Xolmurodova Sattorovna, Boʻronova Mekkamtosh Xoliqulovna*
INGLIZ VA O’ZBEK LISONIY MANZARASIDA MAQOLLARNING O’RNI ................................ 293-297

*Алибаева Лола Намазовна*
ЖЕНСКИЕ ОБРАЗЫ В РАССКАЗАХ Л. ПЕТРУШЕВСКОЙ ...................................................... 298-303

*Eshqurbonova Aziza Bozor qizi*
DIALOGIK NUTQDA SAVOLLARNING IFODALANISHI ................................................................ 304-308

*Norova Rahima Fayzulloevna*
O'ZBEK VA INGLIZ ADABIY ERTAKCHILIGIDAGI SEHRLI VOSITALARNING QO'LLANISHIDA O'XSHASH JIHATLAR ........................................................................................................ 309-316

*Egamberdiyeva Iroda Abdurahimovna*
TRANSLATIONS OF HISTORICAL WORKS INTO ENGLISH ...................................................... 317-323

*Axmedova Adolat Ravshan qizi*
GASTRANOMIYA TUSHUNCHASI HAMDA GASTRANOMIK REKLAMA MATNLARI ......... 324-330

*Asqarova Madina Boymurod qizi*
KORPUS LINGVISTIKASIDA MATN ANNOTATSIYASINING LINGVISTIK MUAMMOLARI ........ 331-334

*Калниязов Есемурат Шамшетович*
ГОСТЕВОЙ ЭТИКЕТ И СИСТЕМА ЦЕННОСТЕЙ ........ 335-342

**12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Bahodir To'raev*
HUQUQIY MADANIYAT VA HUQUQIY TARBIYANING DEMOKRATIK DAVLAT RIVOJLANISHIDAGI ROLI ........ 343-351

*Турсоатов Содиқ*
РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ........ 352-357

*Хидиров Фурқат Шукуруллаевич*
МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ........ 358-363

*Рахимбаев Уткир Файзуллаевич*
ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ КРИТЕРИЕВ ОЦЕНКИ ИНФРАСТРУКТУРЫ И СЕРВИСА ДЛЯ ТУРИСТОВ ........ 364-372

*Турсынбаев Азизбек Халмурзаевич*
МЕЖВЕДОМСТВЕННОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ КАК СПОСОБ РЕАЛИЗАЦИИ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ ........ 373-377

*Yakubov Abduraxmon Turayevich*
TA'LIM HUQUQINING HUQUQIY SAVODXONLIKNI AMALGA OSHIRISHDAGI O'RNI ........ 378-382

*Rasulov Salimbek Baxtiyor o'gli*
YEVROPA KENGASHINING KORRUPSIYA UCHUN JINOIY JAVOBGARLIK BO'YICHA KONVENSIYASI – KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHNING ZAMONAVIY XALQARO HUQUQIY ASOSLARIDAN BIRI SIFATIDA ........ 383-387

**13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Хайров Расим Золимхон угли*
АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА ........ 388-395

*To'rayev Panji To'xtayevich*
OLIY TA'LIM MUASSASASIDA KURASHCHILARNI PSIXOLOGIK JIHATDAN TAYYORLASH ........ 396-400

*Xushnazarova Ma'mura Nodirovna*
TALABALARNI KASBIY-PEDAGOGIK FAOLIYATGA TAYYORLASHDA IJTIMOIY FAOLLIKNING AHAMIYATI ........ 401-406

*Yuldasheva Sayyora Aliaskarovna*
TA'LIM TIZIMIDA INGLIZ TILINI INTEGRATSION O'QITISH ........ 407-411

*Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich*
SPORT MASHG'ULOTLARI JARAYONIDA PEDAGOGIK NAZORATNING AHAMIYATI ........ 412-418

*Абдувахобов Искандер, Гизатулина Ольга Ивановна*
ОРГАНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА В СМЕШАННЫХ СРЕДАХ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ВУЗА ........ 419-426

*Назарова Озода Шавкатовна*
СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В ВЫСШЕМ УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ ........ 427-432

*Pirnazarova Sevara Doniyor qizi*
OLIY O‘QUV YURTLARIDA XORIJIY TILNI O‘QITISHDA O‘YIN USULLARINI QO‘LLASH ........ 433-438

*Ko’ziyeva Gulnoza Maxamadaliyevna*
BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINING PEDAGOGIK SALOHIYATINI OSHIRISH METODIKASI ........ 439-444

*Умирзокова Сурайё*
ТАЛАБАЛАРНИНГ КИНЕТИК ИНТЕЛЛЕКТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ ........ 445-451

*Olimova Nigora*
MUVAFFAQIYATLI O’RGANISHDA SINFNI BOSHQARISH KO’NIKMALARINING AHAMIYATI ........ 452-463

*Nabiyeva Firuza Odil qizi*
“ELEKTROMAGNETIZM” BO’LIMINI O’QITISHDA AMALIY MASHG’ULOTLARNING AHAMIYATI ........ 464-471

*Sobirova Oygul Alimovna*
BO‘LAJAK MUSIQA O‘QITUVCHILARIDA METODIK KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING MAVJUD HOLATINI TAHLILIY BAHOLASH ........ 472-479

*Shermatov G’ulom Kaxxorovich*
IMPROVING THE TECHNIQUE OF BADMINTON SPORTS TRAINING ........ 480-486

*Shamirzayeva Zarifa Xudoyorovna*
TALABALARDA KASBIY KO`NIKMALARNI SHAKLLANISHIDA MIKROTA`LIM O`QITISH TEXNOLOGIYASINING SAMARALI JIHATLARI ........ 487-492

*Ziyadullayeva Dilafruz Xudayberdiyevna*
O’SMIRLARDA YETAKCHILIK XUSUSIYATLARINI RIVOJLANTIRISHDA KOMPETINSIYAVIY FAOLIYATNING PEDAGOGIK ASOSLARI ........ 493-498

*Muydinov Firuzjon Farxodjonovich*
TIBBIY TA’LIM TALABALARIDA MEDIAKOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH METODIKASI ........ 499-505

*Egamberdiyeva Feruza Abdimannonovna*
MULTIMEDIA TEXNOLOGIYALARIGA ASOSLANGAN DASTURIY TA‘MINOTNI LOYIHALASH ........ 506-510

*Худойбердиева Дурдона Баходир қизи*
ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ОБУЧЕНИЯ В РАБОТЕ С ОДАРЕННЫМИ ДЕТЬМИ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА ........ 511-516

*Курбонов Дониёрбек Кахрамонович*
ОБУЧЕНИЕ ПОЭЗИИ С ПРИМЕНЕНИЕМ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ ........ 517-524

*Shamsiddinov G'iyos Xusniddin o'g'li, Jurayeva Feruza Baxtiyor qizi*
IQTISODIYOT YO'NALISHI TALABALARIGA EKONOMETRIKA FANINI O'TISHNING INTERAKTIV USULLARI ........ 525-532

*Эрназаров Алишер Эргашевич, Бекмурадов Зариф Хуррамович*
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ ........ 533-539

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ 4 (4) - 2024
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

**Эрназаров Алишер Эргашевич**
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Ахборот технологиялари” кафедраси мудири, доц.в.б., PhD
alexchigatay1213@gmail.com

**Бекмурадов Зариф Хуррамович**
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Иккинчи ва кечки” бўлим тютори
zbekmurodov33@gmail.com

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизими ва унинг ривожланиши, олий таълим муассасалари ўқув машғулотлари жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти муаллифлар томонидан ёритиб берилган. Қолаверса, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамиятини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар.** Таълим тизими, олий таълим, педагогик технология, замонавий педагогик технологиялар, хориж тажрибаси.

**Ernazarov Alisher Ergashevich**
Samarkand Institute of Economics and Service
Associate Professor, PhD, head of
department of “Information Technologies”

**Bekmuradov Zarif Khurramovich**
Samarkand Institute of Economics and Service
Tutor of department of “Second and evening”

# THE IMPORTANCE OF USING MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE PROCESS OF EDUCATIONAL LESSONS IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

**Abstract.** In this article, the educational system and its development in our country today, the importance of using modern pedagogical technologies in the process of training in higher educational institutions are highlighted by the authors. In addition, proposals and recommendations on increasing the importance of using modern pedagogical technologies have been developed.

**Keywords.** Educational system, higher education, pedagogical technology, modern pedagogical technologies, foreign experience.

**Эрназаров Алишер Эргашевич**
Самаркандский институт экономики и сервиса
и.о.доц., PhD, заведующий кафедрой «Информационные технологии»

**Бекмурадов Зариф Хуррамович**
Самаркандский институт экономики и сервиса
тьютор отделение «Вторая и вечерняя»

# ВАЖНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ УЧЕБНЫХ ЗАНЯТИЙ В ВУЗАХ

**Аннотация.** В данной статье авторы подчеркивают систему образования и ее развитие в нашей стране сегодня, важность использования современных педагогических технологий в процессе обучения в высших учебных заведениях. Кроме того, разработаны предложения и рекомендации по повышению значимости использования современных педагогических технологий.

**Ключевые слова.** Система образования, высшее образование, педагогические технологии, современные педагогические технологии, зарубежный опыт.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I4Y2024N78

**Кириш.** Замонавий педагогик технологиялар замонавий таълим тизимининг ажралмас қисмидир. Улар ўқув жараёнини осонлаштириш ва самарадорлигини ошириш учун ўқитувчилар томонидан қўлланиладиган турли хил усуллар, ёндашувлар, воситалар ва усулларни ифодалайди. Асосий педагогик технологиялардан бири таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш ҳисобланади. Компьютерлар, интерфаол доскалар, мультимедияли тақдимотлар ва бошқа замонавий ахборот узатиш воситалари ёрдамида педагоглар ўқув жараёнини янада интерактив ва қизиқарли қилишлари мумкин. Бу талабаларга материални яхшироқ ўзлаштириш ва янги технологиялар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш имконини беради.

**Адабиётлар шарҳи.** Яна бир муҳим педагогик технология – таълимга табақалаштирилган ёндашувдир. Ўқитувчилар ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олади ва ҳар ким ўз даражаси ва тезлигида ўрганиши учун турли хил вазифалар ва материалларни тақдим этади [1]. Бу ўқувчиларнинг ўз эҳтиёжлари ва қобилиятларига кўра ривожланишига имкон беради. Бундан ташқари, сўнгги йилларда фаол ўрганиш ривожланмоқда, бу ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фаол иштирокини таъкидлайди. Муаммоли таълим, лойиҳа асосидаги фаолият, ролли ўйинлар ва бошқалар каби таълим технологиялари ўқувчиларда танқидий фикрлаш, мулоқот қилиш, жамоада ишлаш ва бошқа муҳим кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Мультимедианинг таълимдаги аҳамиятини ҳам таъкидлаш жоиз [2]. Улар талабаларга мураккаб тушунчаларни яхшироқ тушуниш ва тасаввур қилишда ёрдам берадиган кўпроқ визуал ўқув материалларини яратишга имкон беради. Видеодарслар, тақдимотлар, анимацион графикалар ва бошқа интерактив материаллар ўқитувчилар ва талабалар орасида тобора оммалашиб бормоқда.

**Муҳокама.** Глобаллашув шароитида мамлакатимиз олий таълим тизимида малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида қайта ташкил этиш мақсадида мазкур таълимнинг халқаро андозаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, дунёнинг ривожланган ва бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларнинг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар қандай шароитда рақобатлаша

оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида замонавий таълим тизимига эга [3].

Масалан: АҚШ, Германия, Япония, Франция ҳамда саноат ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, барча даражадаги малакали ва рақобатга қодир кадрлар тайёрлашга қуйидагидар туфайли эришилади:

- таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияси;
- таълим муассасалари тури ҳамда илм-фан, техника, технология ва иқтисодиётнинг ютуқлари асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларининг вариативлиги;
- таълим тизимини иқтисодиётнинг устувор ва фойда келтирадиган соҳасига айлантирилгани;
- таълим муассасаларини замонавий ўқув-услубий адабиёт ва моддий техник база билан таъминлангани;
- таълим тизимига малакали педагог ва мутахассислар жалб этилгани;
- таҳсил жараёнининг компьютер ва информатика жиҳозлари билан таъминлангани;
- холисона назорат ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тизимлари қўлланилгани;
- мутахассиснинг интеллекти, қобилияти ва инсоний хусусиятларини ўстириш ва баҳолаш муаммолари, шунингдек унинг профессионал идроки муаммоси бўйича психологик-педагогик тадқиқотлар бажарилгани;
- педагогларнинг моддий ва ижтимоий муҳофазаси юксак даражада таъминлангани.

Табиийки, саноат ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибасининг ижодий қўлланилгани ислоҳ қилинаётган таълим тизимига барча даражадаги рақобатга бардош берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш имконини беради [4].

Бугунги кун талаблари ўқув машғулотлари сифатини ошириш масаласига янгича ёндашишни, бажарилган ишлар билан чекланмасдан, уни мунтазам равишда такомиллаштириш, янги услуб ва шаклларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш каби муҳим вазифаларни қўймоқда. Жумладан, олий таълим муассасаларида барча фанлар бўйича ўқув машғулотини ташкил этиш билан чекланмасдан, уларни янги муаммоли масалалар, топшириқлар, вазифалар билан бойитиш устида иш олиб бориш бош масалалардан бирига айланмоқда.

Ҳар бир таълим йўналиши бўйича:

- ўқув машғулоти жараёнининг мантиқий-тузилиш шаклини (ўқув машғулотини ташкил этишда кетма-кетлик) аниқлаш;
- уларни бевосита ҳаёт талабларига мослаштириш;
- муаммоли топшириқларни тузиш;
- улар асосида услубий тавсиялар ва кўрсатмаларни тайёрлаш;
- педагогик технологияларнинг замонавий турларини қўллаш, тажрибадан ўтказиш, натижаларига қараб, ўқув жараёнига жорий этиш ва шу тариқа талабаларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга эришиш;

- педагоглар фаолиятини рағбатлантиришда барчага бир хил ёндашиш томойилларидан воз кечиш, унинг ўрнига, уларнинг фаоллигига ва ўқув машғулоти сифатини оширишга тааллуқли бўлган муайян ишининг сифати, ҳажмига қараб, моддий-маънавий рағбатлантириш лозим.

Бу борада таълим муассасалари раҳбарларидан ҳар бир педагог фаолиятига холисона ёндашиш талаб этилади. Қайд этилганлардан келиб чиқиб ҳамда ўқув машғулоти сифатини янги босқичга кўтариш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим [5]:

- фанлар бўйича тайёрланган топшириқлар асосида ўқув машғулотини ташкил этиш;

- фанлар бўйича муаммоли топшириқларни тайёрлашга муайян таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларининг малакали мутахассисларини жалб этиш;

- уларни тайёрлаш жараёнида муайян йўналиш бўйича фан, техника ва технология соҳаларида дунё миқёсида тан олинган янгиликлар ва йўналиш бўйича нашр этилган адабиётларнинг мазмун ва моҳиятини акс эттириш;

- тайёрланган муаммоли топшириқларни таянч олий таълим муассасаларининг илмий-услубий кенгашларида атрофлича муҳокама этиш ва тегишли қарор қабул қилиш тартибини ўрнатиш;

- тайёрланган муаммоли топшириқларни керакли миқдорда кўпайтириш, олий таълим муассасаларига тарқатиш ва муаллифлар гуруҳини моддий-маънавий рағбатлантириш ва бошқалар.

Ўқув машғулотида талабалар фаоллигини ошириш мақсадида қуйидаги услубларни кенг қўллаш лозим:

- аудиторияларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ва улардан ўқув машғулотида унумли фойдаланиш, машғулотларни кичик гуруҳларда ташкил этиш;

- ҳар бир таълим йўналиши бўйича ўқув машғулотининг мантиқий-тузилиш шаклини белгилаш, уларни бевосита ҳаёт талабларига мослаштириш, уларни муаммоли топшириқлар билан бойитиш ҳамда услубий тавсиялар, кўрсатмаларни тайёрлаш;

- ўқув машғулотида педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- вариатив дастурларга мувофиқ ўтиладиган ўқув машғулоти мавзулари бўйича тарқатма материалларни талабаларга етказиш ва уларга ҳар бир мавзу бўйича саволлар тайёрлаб келиш, шу тариқа уларни машғулотларга тайёрланган ҳолда келишларини ва натижаларини рейтинг назоратларида ҳисобга олишни таъминлаш;

- талабалар томонидан тайёрланган ва берилган саволларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш, саволлар сифатига қараб, талабаларнинг муайян ўқув машғулоти мавзуси бўйича тайёргарлик ҳолатини аниқлаш, уларда мавзу бўйича фикрлаш, мустақил билим олиш, мавзуга оид адабиётларни топиш, улардан фойдаланиш ва таҳлил этиш кўникмаларини шакллантиришга эришиш;

- ўқув машғулоти мавзуси бўйича талабалар тўплаган маълумотларни ўзаро муҳокама этиш, билдирилган танқидий ва мустақил фикрларни таҳлил этиш, уларни умумлаштириш;

- гуруҳларда фан-техника ривожига йўналтирилган изланишларни жонлантириш;

- педагогларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ва талабаларга билим беришда холисона ёндашишларини англаш мақсадида ички назорат бўлимларининг фаолиятини кучайтириш ҳамда талабалар орасида “Педагоглар талабалар нигоҳида” мавзуига бағишланган сўровномаларни ўтказиб туриш, натажаларини атрофлича муҳокама этиш;

- ўқув машғулоти сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва республикада қўлланилиши мумкин бўлганлари бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш.

**Натижа.** Замонавий таълим технологиялари ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш ва талабаларнинг мотивациясини оширишга ёрдам берадиган турли хил усул ва воситаларни ўз ичига олади. Улардан баъзиларини келтириб ўтамиз:

1. Ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш. Бу интерфаол доска, компьютер дастурлари, онлайн дарслар ва ҳоказолардан фойдаланишни ўз ичига олиши мумкин. АТ воситалари ўқув жараёнини янада интерактив ва қулайроқ қилади.

2. Дизайн методологияси. Бу усулда ўқувчилар реал ҳаётий масалаларни гуруҳ бўлиб ёки мустақил равишда ечадилар. Бу танқидий фикрлаш, мулоқот ва муаммога йўналтирилган кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

3. Интерфаол таълим усуллари. Бунда ўйинлардан фойдаланиш, ролли ўйинлар, мунозаралар, тақдимотлар ва бошқалар киради.Бундай усуллар ўқувчиларнинг фаол иштирокини рағбатлантиради ва материални яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

4. Таълимга табақалаштирилган ёндашув. Бу ўқув материали ва усулларини ҳар бир талабанинг индивидуал эҳтиёжларига мослаштиришни ўз ичига олади. Ўқитувчи турли даражадаги қийинчиликлардан фойдаланиши ёки ўқувчига топшириқни қандай бажаришни танлаш имкониятини бериши мумкин.

5. Ижтимоий ўзаро таъсир. Бу ерда қўлланиладиган усуллар ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш, таълим жараёнини бойитиш учун эксперт хулосаси ва турли касб вакилларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

6. Ўз-ўзини тартибга солиш ва ўзини ўзи қадрлаш кўникмаларини ривожлантириш. Бу ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш ва ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам бериш учун фикрлаш, ўз-ўзини акс эттириш ва ўз-ўзини назорат қилиш усулларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотларини иқтисодиёт тармоқлари билан мутаносиб тарзда ташкил этиш ва бошқариш ҳамда ривожлантириш, талабаларни аниқ касбга йўналтириш ҳамда битирувчиларни ўз касби бўйича ишга жойлаштиришга хизмат қилади. Талабаларни эгаллаётган касбига мувофиқ ўқув машғулотини ташкил этиш учун аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, белгиланган вазифаларни амалга ошириш лозим.

Уларни ўқув машғулоти жараёнида касбий фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тажрибасига эга малакали ишлаб чиқариш мутахассисларига “Устоз-шогирд” методи асосида бириктирилишини йўлга қўйиш муҳим. Бу методнинг амалга оширилиши олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва манфаатли интеграцияни шакллантириш, давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ташкил этиш, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини дастур талаблари даражасида юқори савияда ўтказилишини таъминлаш, битирувчиларни мутахассисликларига мос равишда бандлигига эришишга хизмат қилади.

**Хулоса.** Демак, таълим тизимида фаолият юритувчи ҳар бир педагог ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари имкониятлардан тўла фойдалана олишлари талаб этилмоқда. Жумладан, ўқув машғулотини ташкил этишда ҳам компьютер технологияларидан кенг фойдаланиш давр талабидир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, олий таълим муассасаларида ўқув машғулотини самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

- ўқув машғулотини давр талаблари асосида ташкил этишда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга замонавий фикрловчи педагогларни танлаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг малакасини ошириб боришни йўлга қўйиш;
- уларнинг сифатини таъминлашга қаратилган педагогик ва ахборот технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан кенг фойдаланиш, бу борадаги хориж тажрибасини ўрганиб чиқиш;
- хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда олий таълим муассасалари учун ўқув машғулоти режа ва вариатив дастурларини қайтадан ишлаб чиқиш, амалий машғулотлар ва ўқув машғулоти бўйича соатлар кўпайтирилишини назарда тутиш;
- ўқув машғулотини замонавий ташкил этиш орқали талабаларнинг меҳнат бозори тўғрисидаги билимларини кенгайтириш, ўз карьераси ҳақидаги тасаввурларини ошириш, уларни меҳнат бозорида рақобатга етарлича тайёр бўлишига эришиш;
- талабаларда мустақил равишда замонавий фикр юритган ҳолда касбий фаолият йўналишларини танлаш ва эгаллашлари учун зарур бўлган заковатлилик, ижодкорлик, тадбиркорлик каби сифатларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш.

Талабанинг мустақил равишда замонавий фикр юритган ҳолда касбий фаолият йўналишларини танлаши ва амалга ошириши учун у қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим:

- муаммоларни кўра билиш, уларнинг содир бўлиш сабабларини англаш;
- кузатилаётган ҳодисаларни эгалланган билимлар билан умумлаштириш, хулоса қилиш ҳамда янги билимларни келтириб чиқара олиш;
- бир нечта тушунчаларни битта умумийси билан алмаштира олиш, кўплаб ҳодисалардан асосийсини ажрата олиш;
- ўз фикрини тўғри ва батафсил ифодалаш;
- ҳал қилинаётган муаммони эътибордан қочирмаган ҳолда фикрлай олиш;
- зарур маълумотларни тез ва аниқ топиш;
- муаммони таҳлил қилиш ва баҳолай олиш;

- ишни охирига етказа олиш;
- вазият ўзгаришига мос равишда фикрлаш йўналишини ўзгартира олиш.

Олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар, жумладан ўтказилаётган ўқув машғулотлари малакали кадрлар тайёрлаш, ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўкис намоён эта оладиган, ҳаётда ўз ўрнини топишга қодир баркамол шахсларни вояга етказишга йўналтирилган. Бугунги кунда ўз самараларини бераётган бундай ишлар келажакда мамлакатимизнинг юксак тараққиётини, ҳаётимиз фаровонлигини янада оширишни таъминлашга хизмат қилади. Бунинг учун мазкур машғулотларни ташкил этишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш йўлидаги вазифаларни амалга ошириш лозим. Бу мазкур жараён самарадорлигини оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

Шундай қилиб, замонавий педагогик технологиялар замонавий таълимнинг муҳим элементидир. Улар ўқув жараёнини янада самарали ва қизиқарли қилишга ёрдам беради, шунингдек, талабаларда замонавий дунёга муваффақиятли мослашиш учун зарур бўлган муҳим кўникма ва малакаларни ривожлантиради.

**Адабиётлар/Литература/References:**


1. Рахимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О., Рўзиев Ҳ.Ж. Замонавий таълим технологиялари. Қўлланма. Тошкент, “Фан ва технология нашриёти”, 2013 й., 200 бет.
2. Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие/Отв. Ред. М.В. БулановаТопоркова. – 3-е изд. – Ростов н/Д: Феникс, 2006. – 512 с., с.102-106
3. Ernazarov A.E. Uzluksiz ta’lim tizimida innovatsion texnologiyalar va ularning amalda qo‘llanilishi. Urganch davlat universiteti. Ilm sarchashmalari jurnali. – Urganch, 2021. №8. 89–91 b. (13.00.01; №31).
4. Бабко, Г.И. Учебно-методический комплекс: теория и практика проектирования (Методические рекомендации для преподавателей вузов) / Г.И. Бабко. – Минск, 2004. – 65 с.
5. Ernazarov A.E. Specific features of training. International Journal on Integrated Education. DOI:https://doi.org/10.31149/ijie.v3i5.375. Volume 3,Issue V,May 2020. pp.30-34.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I4Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 4 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).